

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАҲРАМОВА МОҲИНУР БАҲРАМОВНА

**АРБИТРАЖ ЮРИСДИКСИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АМАЛИЙ
МУАММОЛАР (ЮНСИТРАЛ НАМУНАВИЙ ҚОНУНИ АСОСИДА)**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of doctoral dissertation

Оглавление автореферата докторской диссертации

Бахрамова Моҳинур Бахрамовна

Арбитраж юрисдикциясини тартибга солиш ва амалий муаммолар (ЮНСИТРАЛ намунавий қонуни асосида).....3

Bakhramova Mokhinur Bakhramovna

Regulation and Practical Problems of Jurisdiction of the Arbitral Tribunal (Based on UNCITRAL Model Law)21

Бахрамова Моҳинур Бахрамовна

Регулирование и практические проблемы юрисдикции арбитражного суда (на основе типового закона ЮНСИТРАЛ).....35

List of published works

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ.....41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАҲРАМОВА МОҲИНУР БАҲРАМОВНА

**АРБИТРАЖ ЮРИСДИКСИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АМАЛИЙ
МУАММОЛАР (ЮНСИТРАЛ НАМУНАВИЙ ҚОНУНИ АСОСИДА)**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Yu423 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рустамбеков Исламбек Рустамбекович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аҳмедов Азизхон Дилшодович юридик фанлар доктори Жуманёзов Нодир Худайбердиевич юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 19 май соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (961-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темура кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» апрелда тарқатилди.

(2021 йил «30» апрелдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

С.С.Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқаро савдо алоқалари ва инвестиция фаолиятининг ривожланиши қатор ҳал этишни талаб қиладиган низоларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги вақтда бундай низоларни ҳал қилишнинг машҳур ва ривожланаётган усули халқаро тижорат арбитражидир. Халқаро тижорат арбитражи кўплаб савдо шериклари ўртасида халқаро савдо, бозор ва инвестицияларнинг деярли барча жиҳатлари бўйича низоларни ҳал этиш учун қулай тизим ишлаб чиқди. Статистика ва арбитраж марказларининг ҳисоботларига кўра, 2020 йилда Халқаро савдо палатасининг Халқаро арбитраж судида (ICC, Париж) 946 та иш, Стокгольм Савдо Палатасидаги Арбитраж институтида (SCC, Стокгольм) 152 та иш, Сингапур Халқаро арбитраж марказида (SIAC, Сингапур) 1080 та иш, Лондон Халқаро арбитраж судида (LCIA, Лондон) 444 та иш келиб тушганлиги маълум бўлди¹. Ушбу кўрсаткичлар дунёда халқаро арбитраж фаолиятини самарали тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигидан далолатдир.

Жаҳонда низоларни халқаро арбитражда ҳал қилишнинг афзалликлари, хусусан, халқаро арбитраж томонларга низони махфийлик, тезкорлик, ўз ихтиёрларига асосан ҳамда ҳолис ҳакамларни танлаган ҳолда ҳал этиш ва чиқарилган қарорни бутун дунёда ижросини таъминлаш имкониятини берганлиги муносабати билан ушбу соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилиб, халқаро арбитраж доирасида унинг юрисдикциясини аниқ белгилаш зарурлиги, жумладан низони кўриш, ҳал этиш ҳуқуқи ва ваколатларини белгилаш, низо халқаро арбитражда кўрилишини бекор қилиш ёки унинг қарори ижросини тан олиш ва ижро этиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда қонун устуворлигини таъминлаш, суд тизими ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил механизмлари ҳамда инвестиция иқлимини яхшилаш, бизнесни жадал ривожлантириш йўналишида ташқи савдо фаолиятини самарали тартибга солиш ва субъектлар ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. «Инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш»² иқтисодий ижтимоий соҳани ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида баҳоланган бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

¹ <https://iccwbo.org>; <https://sccinstitute.com>; <https://www.siac.org.sg>; <https://www.lcia.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон. 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги Фуқаролик кодекси³, 2018 йил 24 январдаги Иқтисодий процессуал кодекси⁴, 2006 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-64-сон «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги, 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, 2021 йил 16 февралдаги ЎРҚ-674-сон «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 ноябрдаги ПҚ-4001-сон «Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТІАС) ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро арбитраж фаолияти ва унинг ваколатларини аниқлаштириш ва белгилашнинг ҳуқуқий таҳлили, мазкур муносабатларга қўлланиладиган ҳуқуқ ва юрисдикцияни белгилаш, бу борадаги халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Халқаро арбитраж, жумладан ҳакамлик судлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Ҳ.Раҳмонқулов, С.Гулямов, И.Рустамбеков, З.Убайдуллаев, Б.Самарходжаев, О.Оқюлов, Ф.Отаҳонов, З.Шамухамедова, Ш.Масадиков, Д.Ҳабибуллаев, А.Сулэйменова, Д.Огай, М.Сабиров, А.Худайберганов ва бошқаларнинг⁵ илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда халқаро арбитраж фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, унинг юрисдикциясини белгилаш, ваколатларини аниқлаштириш ҳамда янги йўналишларини ривожлантиришни сўнгги йилларда тадқиқ қилган олимлар сифатида G.Born, J.Devlin, V.Tibor, J.John, I.Banttekas, J.Francois, H.Smith, A.Redfern, M.Hunter, E.Gaillard, J.Savage,

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 13.01.2021-й., 03/21/663/0013-сон.

⁵ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

M.Reisman, W.Laurence, W. William Park, J.Paulson, R.Gibson, S.Brams, A.Taylor, Thiessen Mac Mahon, A.Stanieri, A.Zeleznikow, M.Gawler, B.Lewis, B.Drake, D.Moberg, E.Goffman, T.Schultz, S.Brams, A.Taylor, A.Stanieri, J.Zeleznikow, M.Gawler, B.Lewis, J.Thomas, Cordero-Moss, S.Brekoulakis, M.Buhler, F.Dasser ва бошқаларни⁶ кўрсатиш мумкин.

МДХ давлатларида тадқиқ қилинаётган мавзу йўналишида сўнги йилларда тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар сифатида Л.Ануфриева, М.Богуславский, Б.Карабелников, Г.Веляминов, Н.Смиронова, Н.Круглова, В.Белов, М.Егорова, Т.Кашанина ва бошқаларни⁷ кўрсатиш мумкин.

Бироқ мамлакатимизда ўтказилган номлари келтирилган олимларнинг ишлари ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражнинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, халқаро арбитраж ва унинг юрисдикциясига доир муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари комплекс тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли ушбу масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражининг ҳуқуқий асослари ва фаолиятини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2018 – 2020 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро арбитражлар юрисдикцияси нуқтаи назаридан улар фаолиятини тартибга солишни янада такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқаро арбитражнинг ҳуқуқий тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш;
халқаро арбитражда юрисдикциянинг назарий тушунчасини очиқ бериш;

халқаро арбитражда юрисдикциянинг асосий тамойилларини аниқлаш;
арбитраж суди ва арбитражларнинг ваколатларини таснифлаш;
юрисдикция қарорларини ва уларни қабул қилишнинг оқибатларини таҳлил қилиш;

миллий судлар ва арбитраж судларининг ваколатларини аниқлаш;
миллий судлар ва халқаро арбитраж ўртасидаги муносабатларни тавсифлаш;

Ўзбекистон қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;

⁶ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

⁷ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти халқаро савдо-иқтисодий фаолият доирасидаги низоларни халқаро арбитражларда ҳал этишни миллий ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети халқаро арбитражлар юрисдикция доирасини белгилашдаги илмий-амалий муаммолар, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, умумлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотларни таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

арбитраж юрисдикциясининг чегаралари белгиланиб, унга кўра арбитраж суди ўз юрисдикциясини ўзи аниқлаши, бунда арбитраж келишувининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлиги борасида эътирозларни қабул қилиш ва улар бўйича ўзи қарор чиқариш ваколатига эга эканлиги асосланган;

чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар иқтисодий судларга тааллуқлилиги, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодий судлари судловига тегишлилиги асослаб берилган;

халқаро арбитражнинг қарорини ижрога қаратиш тегишли давлат суди ажрими ва ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши асосланган;

тарафларнинг илтимосига кўра халқаро арбитраж суди таъминлаш чораларини белгилаши ва ушбу ҳуқуқини амалга оширишда дастлабки қарор чиқариш ваколатига эга эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

халқаро амалиётда янги ҳуқуқий манба сифатида «арбитраж юриспруденцияси» шаклланганлиги ва низоларни халқаро арбитражда ҳал этишда барча ҳуқуқ оилалари доирасида қўлланиладиган прецедент ҳуқуқини шакллантирганлиги концептуал жиҳатдан асослаб берилди;

«халқаро арбитраж», «арбитраж юрисдикцияси», «онлайн арбитраж», «низоларни электрон ҳал қилиш» каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди;

халқаро арбитраж юрисдикцияси фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар аниқланди;

ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж судлари ваколатига кирадиган ишларни тизимлаштириш зарурлиги, хусусан, халқаро арбитраж

юрисдикциясига кирадиган бир мамлакат субъектлари ўртасидаги низоларнинг турлари кўрсатиб берилди;

юрисдикция қоидалари мажбурий ва шартли арбитраж юрисдикциясининг турли жиҳатларини қўллаган ҳолда ўзига хос ва чекланган бўлиши асослаб берилди;

ўзаро боғлиқ далилларнинг долзарблиги аниқланди ва юрисдикция даъволарини кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослаб берилди;

ҳалқаро арбитраж соҳасида низоларни онлайн ҳал қилиш ва электрон арбитраж платформаларини жорий этиш орқали трансчегаравий низоларни ҳал қилишга хизмат қиладиган низоларни ҳал қилишнинг рақамлаштирилган механизми ва унинг юрисдикциясини белгилаш зарурлиги, бунда сервер жойлашган жой қонуни янги коллизия норма сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ҳалқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган бўлиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, низоларни муқобил ҳал қилиш механизмлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда миллий қонунчиликни такомиллаштириш фаолияти юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Халқаро тижорат арбитражи», «Низоларни муқобил усулда ҳал этиш» каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ва халқаро ҳуқуқ фанларини ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

арбитраж юрисдикциясининг чегаралари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, ўз юрисдикциясини ўзи аниқлаши, бунда арбитраж келишувининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлиги борасида эътирозларни қабул қилиш ва улар бўйича ўзи қарор чиқариш ваколатига эга бўлиши тўғрисидаги таклиф «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуннинг 21-моддасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил сентябрдаги 17-сон далолатномаси). Ушбу таклиф арбитраж судининг ўз юрисдикцияси тўғрисида қарор қабул қилишга доир ваколатларини белгилашга хизмат қилган;

халқаро арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар иқтисодий судларга тааллуқлилиги, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодий судлари судловига тегишлилиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси, 6-бандида ҳамда 32-моддасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 5 январдаги 06/1-05/3736-сон далолатномаси). Ушбу таклиф чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш иқтисодий судларга тааллуқли эканлигини белгилашга хизмат қилган;

халқаро арбитражининг қарорини ижрога қаратиш ваколатли давлат судининг ажримига мувофиқ ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексининг 258-моддасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 5 январдаги 06/1-05/3736-сон далолатномаси). Ушбу таклиф халқаро арбитражларнинг қарорларини ижросини таъминлаш тартибини белгилашга хизмат қилган;

тарафларнинг илтимосига кўра халқаро арбитраж суди таъминлаш чораларини белгилаши, бунда дастлабки қарор чиқариш ваколатига эга бўлиши, шунингдек халқаро арбитраж судининг илтимосига биноан ваколатли давлат суди барча арбитраж муҳокамаси тугагунга қадар даъвони таъминлаш бўйича вақтинчалик ёки доимий чоралар кўриши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонуннинг 22 ва 24-моддаларида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 19/1-сон далолатномаси). Ушбу таклиф арбитраж судининг таъминлаш чораларини белгилашга доир ваколатларини аниқ белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан 1 та монография ва 9 та илмий мақола (2 та SCOPUS базасидаги журналларда, 2 та халқаро нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 144 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Халқаро арбитраж ва унинг юрисдикцияси**» деб номланган биринчи бобида тадқиқотнинг кейинги бобларида муҳокама қилинган муаммоларни ишлаб чиқиш учун назарий асоснинг таҳлили ёритилган. Ушбу бобда халқаро арбитражнинг ҳуқуқий тушунчаси ва моҳияти, умумий юрисдикциянинг назарий тушунчаси, хусусан, халқаро арбитраж юрисдикциясининг асосий тамойиллари таҳлил қилинган.

Диссертант халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, халқаро арбитражнинг долзарб аҳамиятини аниқлаштирган. Бунда халқаро тижорат арбитражи – ўзини ўзи бошқаришга асосланган, сиёсий ва процессуал жиҳатдан мустақил бўлган ва хорижий иқтисодий бизнес субектлари ўртасидаги трансчегаравий низоларни тарафлар томонидан имзоланган шартномада назарда тутилган моддий ҳуқуқ ёки коллизия нормалар асосида адолат, савдо ва тадбиркорлик амалиётига асосланган ҳолда кўриб ҳал этишнинг муқобил усули тўғрисидаги ёндашувга асосланган.

Тадқиқотчи халқаро арбитражнинг махсус ҳуқуқий мақомини таҳлил қилиб, уни турли давлатлардаги компаниялар ёки шахслар ўртасидаги низоларни, одатда, судга мурожаат қилмасдан шартномага мувофиқ вужудга келиши мумкин бўлган низолар тўғрисидаги қоидаларни киритиш орқали ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий жараён сифатида баҳо беради. Бир қатор олимларнинг ёндашувларини таҳлил этган ҳолда (И.Рустамбеков, Б.Самарходжаев, Л.Ануфриева, М.Богуславский, Б.Карабелников) халқаро арбитраж судлари давлат судларига нисбатан қатор афзалликларга эгаллиги асосланган. Бунда халқаро арбитраж тезкор ва сифатли натижага эришишнинг муносиб усули эканлиги, инстанцияларнинг мавжуд эмаслиги ва бир босқичда низо ҳал этилиши, тарафлар мустақил равишда арбитражларни танлаши ва арбитраж жараёни қоидаларига келишган ҳолда ўзгартириш кирита олиши, қарори ижро этилиши мажбурийлиги ва дунё бўйлаб унинг ижросини таъминлаш мумкинлиги асосий жиҳатлар эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертант халқаро арбитражнинг таърифлари ва ушбу масала бўйича хорижий олимлар (G.Born, J.Devlin, V.Tibor, J.John, I.Banttekas, J.Francois, H.Smith, A.Redfern, M.Hunter, E.Gaillard, J.Savage, M.Reisman, W.Laurence, W.William Park, J.Paulson, R.Gibson)нинг фикрларини таҳлил этиб, халқаро

арбитраж турли мамлакатлардаги тадбиркорлик субъектлари ёки шахслар ўртасидаги низоларни ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий жараён сифатида, одатда, келгусидаги низоларни халқаро арбитражга юбориш тўғрисидаги битимни қўшиш орқали аниқланади, - деган хулосага келган.

Тадқиқотчи халқаро арбитражни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари асосида халқаро тижорат арбитражи кўп томонлама конвенциялар, икки томонлама келишувлар, миллий арбитраж қоидалари, шунингдек хусусий норасмий низоларни ҳал қилиш принциплари ва қоидаларидан иборат низоларни ҳал қилишнинг хусусий трансмиллий тизимига айланганлигини асослаб берган.

Тарихий таҳлил шуни кўрсатадики, халқаро тижорат арбитражини тартибга солувчи замонавий қонунлар XX асрнинг 20 йилларидан вужудга кела бошлаган ва 1958 йил 10 июндаги Нью-Йорк конвенцияси деб номланувчи хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги конвенция қабул қилиниши билан давом этган. Кейин эса 1976 йил 15 декабрдаги ЮНСИТРАЛ арбитраж қоидалари ва 1985 йил 21 июндаги Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги ЮНСИТРАЛ намунавий қонунининг қабул қилиниши халқаро тижорат арбитражининг процессуал жиҳатларини мустаҳкамлади. Ушбу ҳужжатлар арбитраж судларини халқаро миқёсда тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун асос яратди.

Тадқиқотчи халқаро амалиётни ўрганиб, халқаро арбитраж халқаро савдо ва инвестицияларнинг деярли барча соҳаларида бизнес шериклари ўртасидаги халқаро низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усулига айланганини аниқлади. Арбитраж тизими тарафлар эрк мухторияти тамойилига асосланган шартномавий характерига эга бўлиб, тарафлар келишув асосида арбитраж судининг низони кўриб чиқиш ваколатига эга бўлишини белгилайди ва мазкур ҳолат келажақда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай тижорий ёки инвестициявий низонинг халқаро арбитражда кўрилиши учун энг зарур шартдир. Бунга асосан арбитраж келишувининг шартномавий характери, жумладан ёзма ва консенсуал бўлиши ҳамда бундай келишув мустақил характерга эгаллиги, шунингдек арбитраж келишуви арбитраж судининг низони кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқини ваколатини белгиловчи дастлабки асос эканлиги асослантирилган.

Диссертант томонидан халқаро арбитраж низоларни томонларнинг келишуви билан ҳал қилиш учун ишлатиладиган жараён ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули эканлиги инобатга олиниб, халқаро арбитражнинг тўртта асосий хусусияти аниқланди ва таҳлил қилинди. *Биринчидан*, халқаро арбитраж автономдир, миллий қонунлар ва юрисдикцияларга тўлиқ боғлиқ эмас. Шу билан бирга, арбитраж ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизимдан мустақил равишда яшай оладиган автоном тизимдир. *Иккинчидан*, арбитраж судининг тарафлари суд жараёни давомида ўз фикрлари асосида жараён тартибини танлайдилар. *Учинчидан*, арбитраж суди барча тегишли масалаларни ҳал қилиш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олади (камдан-кам ҳолатлар бундан мустасно), Thomas Schultz бунда ҳар қандай қарорнинг якуний ва мажбурийлик хусусияти халқаро арбитражда қарор қабул

қилувчи арбитрларнинг ишга янада масъулият билан ёндошишини таъминлайди.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва доктринасини ўрганиш асосида «Халқаро арбитраж», «Арбитраж судининг юрисдикцияси», «Низоларни электрон ҳал қилиш», «Онлайн арбитраж» каби атамаларга муаллифлик таърифи шакллантирилди ва халқаро арбитражнинг жозибадорлигини таъминловчи хусусиятлар кўрсатиб берилди.

Диссертант халқаро арбитраж амалиёти, қабул қилинаётган қарорлари ва уларнинг умумлаштирилган таҳлили асосида ушбу қарорлар барча ҳуқуқ оилаларига тадбиқ этиладиган янги прецедент ҳуқуқини шакллантириб маълум ҳуқуқий манбани яратганлигини, жумладан ушбу ҳуқуқий манба ва халқаро арбитражлар амалиёти бугунги кунда халқаро хусусий ҳуқуқ, жумладан халқаро арбитраж ҳуқуқи фани доирасида ва унинг назариясида «Арбитраж юриспруденцияси» концептуал янги ғоя сифатида, арбитраж ишларининг тегишли турлари бўйича чиқарилган қарорлари мажмуини ҳамда халқаро арбитражнинг ўрнатилган амалиётидаги моддий ва процессуал ҳуқуқ масалалари бўйича ҳуқуқий прецедент сифатида халқаро арбитражлар томонидан эътиборга олинган манба эканлиги асослаб берди.

«Арбитраж судининг ваколатлари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида арбитраж судининг мутлақ ваколатлари, арбитраж муҳокамаси натижалари, арбитраж судининг қарорлари ва уларни қабул қилиш жараёни, шунингдек, низоларни онлайн арбитраж юрисдикцияси доирасида кўриб ҳал этишнинг процессуал жиҳатлари кўриб чиқилган.

Диссертант томонидан арбитраж судларининг ҳуқуқий моҳияти, кўриб чиқиладиган низолар доираси, шартлари ва турлари таҳлил этилиб, арбитраж суди, одатда, коллегиял ҳисобланиши, аммо у яқка арбитрдан иборат бўлиши ҳам мумкинлиги, бунда тарафлар ёки арбитраж институти томонидан номуносиб арбитр тайинланганида тарафлардан бири, арбитрни чақириб олиши ҳуқуқи таъминланиши, бунинг учун энг мақбул усул – жавобгар арбитраж судининг дастлабки босқичида арбитрларнинг ўз ваколатларига эга эмаслигини исботлаши, бунинг учун эътироз механизми мавжудлиги тўғрисида далиллар келтириши кераклиги асослаб берилди.

Тадқиқотчи яқиндан фаол ишлатила бошланган арбитраж, унинг қарорлари ва амалиётини, шунингдек, арбитраж судларига тааллуқли ишлар доирасини тавсифлайдиган «арбитраж юриспруденцияси» атамасини таҳлил қилиб, уни янги концепция сифатида халқаро қонунчилик назариясига киритилиши арбитраж суд ишлари ҳуқуқий тартибга солиниши жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, деган хулосага келган.

Шунингдек, мазкур бобда арбитражнинг замонавий тури «онлайн арбитраж» шакли таҳлил қилиниб, мавжуд доктриналар ўрганилган. Жумладан, онлайн арбитраж бу ахборот технологияларини қўллаган ҳолда низоларни ҳал этишнинг замонавий усули эканлиги, бунда юрисдикция масалалари долзарб аҳамият касб этиши, унинг белгиланмаслиги ҳамда миллий қонунчиликдаги бевосита жараён иштирокчиларнинг ҳозир бўлишини

талаб этиши, кейинчалик чиқарилган қарорларнинг ижросини таъминлашда муаммолар юзага келтириши мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчи томонидан электрон ёки рақамли арбитраж, айрим олимлар томонидан блокчейн арбитраж сифатида талқин этилаётган янги арбитраж шакли ўрганилиб, мазкур арбитраж сунъий интеллект асосида ишни кўриб чиқиши ҳамда асосан интернет тармоғида ҳамда смарт контрактлар асосида вужудга келувчи низоларни ҳал этишда самарали механизмга айланиши мумкинлиги асослантирилган ҳамда бир бир қатор олимлар фикрларини ўрганган ҳолда рақамли арбитраж юрисдикцияси тегишли сервернинг жойлашган жой қонуни (И.Рустамбеков) ёки тегишли доменни рўйхатдан ўтган жой қонунига (E.Goffman) бўйсунуши кераклиги асослаб берилган.

Ушбу боб доирасида муаллиф халқаро арбитраж фаолиятини тартибга солувчи халқаро шартномалар ва ЮНСИТРАЛ намунавий ҳужжатлари ёритилган ва танқидий кўриб чиқилган, шунингдек арбитраж қоидалари ва улар таркибидаги халқаро арбитраж юрисдикцияси масалаларини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқот ишида хорижий олимлар (S.Brams, A.Taylor, Thiessen Mac Mahon, A.Stanieri, A.Zeleznikow, M.Gawler, B.Lewis, B.Drake, D.Moberg)нинг фикрларини ўрганиб, муаллиф халқаро тижорат арбитражлари, ҳакамлик судлари ва умумий юрисдикция судларининг ваколатларини белгилаш мезонларини ишлаб чиқиб, юрисдикция органларининг ваколатлари низо келиб чиққан ҳуқуқий муносабатлар соҳаси билан бевосита боғлиқлиги, шунингдек, хорижий арбитраж марказларининг арбитраж суди ваколатига тааллуқли амалиётини таҳлил қилиб, ишда тузилган суд таркиби унинг юрисдикцияси масаласини иш юритиш бошланишидан олдин ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлиши асослантирилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Арбитраж юрисдикция масалаларида давлатнинг ўрни ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш истиқболлари»** ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда миллий судлар ва арбитраж судларининг ваколатлари, миллий судлар ва халқаро арбитраж ўртасидаги муносабатлар, арбитраж суд қарорлари, Ўзбекистонда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқотчи миллий судлар ва халқаро арбитраж судлари юрисдикциясини қиёсий таҳлил қилган, хусусан, Ўзбекистон Республикаси миллий судлари, уларнинг юрисдикцияси ва бошқа процессуал жиҳатларини миллий қонунчилик асосида ўрганган. Шунингдек, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Арманистон, Молдова ва Чехия каби хорижий давлатларнинг миллий суд тизимларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ўтказилган.

Тадқиқотчи шартли равишда «арбитраж судлари ва ваколатли судлар ўртасидаги муносабатлар» тушунчасини мураккаб ва кўп қиррали ҳуқуқий ҳодиса сифатида асослаб, қуйидагиларни кўрсатиб берган:

биринчидан, махсус арбитраж суди, бу вақтинчалик арбитраж судининг ташкилот сифатида бирон-бир ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга эмаслиги билан

боғлиқ, тарафлар томонидан муайян баҳсли ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилиш учун яратилади, ундан кейин у ўз фаолиятини тўхтатади;

иккинчидан, арбитраж судининг ўзи эмас, балки арбитраж муҳокамасидаги манфаатдор шахс ваколатли судга кўриб чиқилган даъвони таъминлаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилади. Вазият ваколатли судга арбитраж судининг қарорига эътироз билдириш ёки уни ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисида ариза келиб тушганда ўзаро таъсирга киришади;

учинчидан, фақат арбитраж судининг қарорига шикоят қилиш ёки уни ижро этиш учун ижро варақасини бериш жараёнида ваколатли суд иш бўйича қарор чиқарган доимий ишлайдиган арбитраж суди билан бевосита ўзаро алоқада бўлиши мумкин.

И.Рустамбековнинг фикрига кўра, халқаро арбитраж бевосита давлат судлари билан боғлиқдир. Давлатнинг миллий қонунлари, халқаро шартномалар, хусусан, 1958 йил 10 июнда қабул қилинган Нью-Йорк конвенцияси асосида халқаро арбитраж ва миллий судлар ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Арбитраж суди томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси ёки даъво иш юритувга қабул қилиниши билан тарафларнинг илтимосига биноан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида арбитраж судининг махсус буйруғини амалга ошириш борасида халқаро арбитраж судлари ва давлат судлари ўзаро ҳамкорлик қилади. Бироқ ушбу чоралар халқаро ҳамжамият, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) ва алоҳида давлат томонидан катта эътибор талаб этадиган бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Муаллиф миллий олимлар (С.Гулямов, И.Рустамбеков, З.Убайдуллаев, Б.Самарходжаев, О.Оқюлов, Ф.Отахонов, З.Шамухамедова, Ш.Масадиков, Д.Ҳабибуллаев, А.Сулейменова, Д.Огай, М.Сабиров, А.Худайберганов)нинг асарларини тадқиқ этган ҳолда, қуйидаги масалаларни, биринчи навбатда, мурожаат қилиш имкониятларини кўриб чиқади; иккинчидан, ушбу чораларни қандай амалга ошириш мумкинлигини таҳлил қилади; учинчидан, арбитраж суди тузилгунга қадар вақтинчалик чоралар кўриш мумкинми, тўртинчидан, вақтинчалик чоралар тўғрисида қарорни ким қабул қилади, бешинчидан, халқаро тижорат арбитражи томонидан даъвони таъминлаш учун қандай чоралар кўрилиши мумкин, олтинчидан, вақтинчалик чоралар масаласини тартибга солиш учун мустаҳкам халқаро асос яратиш муаммосини ўрганади.

Диссертант томонидан халқаро арбитражнинг низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича ваколатларини аниқлашга таъсир этувчи муаммолар сифатида тавсифланадиган юрисдикция масалалари аниқланиб, қуйидагича тавсифланди:

- процедуралар тартибига риоя қилиш;
- *ratione personae* талабларига мувофиқлиги;
- *ratione materiae* талабларига мувофиқлиги;
- томонларнинг розилиги.

Ушбу боб хулосасида муаллиф бизнесда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва инвестиция жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар мавжудлигини таъкидлайди, шу жумладан:

биринчидан, халқаро арбитражни Ўзбекистонда тартибга солувчи қонунчилик базасининг йўқлиги хорижий инвесторлар ва маҳаллий корхоналар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш харажатларини кўпайтиради;

иккинчидан, амалдаги қонунчилик инвестиция билан боғлиқ низоларни чет эл қонунларидан фойдаланган ҳолда халқаро арбитраж стандартларига мувофиқ ҳал қилиш учун чет эллик арбитрларни жалб қилиш имкониятини чеклайди;

учинчидан, халқаро арбитраж қарорларини Ўзбекистонда ижро этилишининг аниқ ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмаслиги хорижий инвесторларнинг мамлакат суд тизимида бўлган ишончига салбий таъсир қилади ва шу билан мамлакатнинг инвестиция жозибadorлигини пасайтиради;

тўртинчидан, маҳаллий ҳакамлик судьяларини ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни орқада қолмоқда;

бешинчидан, низоларни муқобил ҳал қилиш тизимида, жумладан халқаро арбитражда ахборот технологияларининг суёт жорий этилганлиги.

Ўзбекистон қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, низоларни ҳал қилиш механизмини арбитраж судида жорий этиш мамлакатимизда бизнес субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва мамлакатнинг инвестиция жозибadorлигини ошириш учун алоҳида аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Арбитраж юрисдикциясини тартибга солиш ва амалий муаммолар мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва амалий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. «Халқаро арбитраж» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. *Халқаро арбитраж* – бу турли давлатлардаги тадбиркорлик субъектлари ёки шахслар ўртасидаги низоларни, одатда, шартномада келажакда вужудга келиши мумкин бўлган низоларни халқаро арбитражга тақдим қилиш тўғрисидаги бандни қўшиш ёки алоҳида шартнома тузиш орқали ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий жараён.

2. «Арбитраж судининг юрисдикцияси» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. *Арбитраж судининг юрисдикцияси* унинг низони кўриб чиқиш ваколатини ва мустақил равишда ушбу ваколатнинг мавжудлигини ҳал қилиш ҳуқуқини англатади.

3. «*Низоларни электрон ҳал қилиш*» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. *Низоларни электрон ҳал қилиш* – бу низоларни ҳал қилишнинг

бир шакли бўлиб, томонларнинг ўзаро келишув асосида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда низони ҳал қилишидир.

4. «Онлайн арбитраж» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. *Онлайн арбитраж* – бу суд мажлисида тарафларнинг жисмоний иштирокисиз низоларни кўриб чиқадиган ихтисослашган ҳакамлик тури. Онлайн арбитраж иккала онлайн муомала ва транзакциялардан келиб чиқадиган низолар ва офлайн режимда юзага келадиган низолар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

5. «Арбитраж юриспруденцияси» халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро арбитраж ҳуқуқи назариясидаги янги концептуал ғоя сифатида асосланиб берилди ва таърифланди. *Арбитраж юриспруденцияси* – бу арбитраж ишларининг тегишли турлари бўйича чиқарилган қарорлари мажмуи бўлиб, халқаро арбитражнинг ўрнатилган амалиётидаги моддий ва процессуал ҳуқуқ масалалари бўйича ҳуқуқий прецедентнинг бир кўриниши сифатида халқаро арбитражлар учун ҳуқуқий нормаларнинг манбаига айланган халқаро арбитражнинг ўрнатилган амалиёти.

6. Халқаро арбитраж соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг хорижий тажрибасини таҳлил қилиш, қуйидаги асосий масалалар бўйича ишлар халқаро арбитражда кўриб чиқилиши ваколатлилиги асослантилди:

- ташқи иқтисодий фаолият жараёнида юзага келадиган, камида биттаси хорижий бўлган икки ёки ундан ортиқ компанияларнинг шартномавий ёки бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига оид низолар;

- чет эл инвестициялари иштирокидаги компаниялар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ўзаро низолар, шунингдек уларнинг юридик шахслар билан низолари.

7. Халқаро тижорат арбитражининг икки асосий шаклда мавжудлиги (институционал ва ad hoc), лекин ҳозирги даврда тезкор ва кўп томонлама янги арбитраж турлари, шунингдек онлайн ва рақамли арбитраж шакллари вужудга келганлиги асослаб берилди. Арбитраж судларининг бундай турлари ва шакллари миллий амалиётга жорий этиш ва уни миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурлиги асосланди.

8. Халқаро арбитражнинг низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича ваколатларини аниқлашга таъсир этувчи муаммолар сифатида тавсифланадиган юрисдикция масалалари аниқланди. Асосий юрисдикция масалалари қуйидагича аниқланиши асосланди:

- процедуралар тартибига риоя қилиш;
- ratione personae талабларига мувофиқлиги;
- ratione materiae талабларига мувофиқлиги;
- томонларнинг розилиги.

9. Малака-компетенцияларнинг умумэътироф этилган принципи икки жиҳатни ўз ичига олиши аниқланди:

- арбитражга ўз ваколатига оид барча масалаларни ҳал қилиш учун тегишли ваколатлар берилишини, шу жумладан арбитраж шартномасининг

амал қилиш муддати ва мавжудлигига эътирозлар берилишини таъминлайдиган ижобий жиҳат;

- арбитраж шартномасининг предмети бўлган масала бўйича даъво кўзғатилган суд, агар тарафлардан бирортаси буни низонинг моҳияти бўйича биринчи ариза берилгандан кечиктирмай сўраса, иш юритишни тугатиши ва тарафларни қайтариши шарт.

10. Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ЮНСИТРАЛ намунавий қонунига асосланиши, арбитраж шартномасининг автономияси ва амал қилиш масаласи жуда кенг талқин қилиниши, у арбитраж келишувининг мавжудлиги масаласини ҳам қамраб олиши ҳамда халқаро арбитраж биринчи бўлиб арбитраж шартномаси ва ўз юрисдикциясининг ҳақиқийлигини ўрнатиши кераклиги, бунда арбитраж келишуви ёзма шаклда тузиладиган консенсуал мустақил шартнома деган хулоса илгари сурилди.

11. ЮНСИТРАЛ намунавий қонунининг қуйидаги асосий хусусиятлари аниқлаб берилди:

- миллий қонунчиликнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун халқаро тижорат арбитражининг махсус ҳуқуқий режимини белгилаш;

- арбитраж муҳокамасида мумкин бўлган энг кенг кўламли ишларни кўриб чиқишга руҳсат бериш учун «тижорат» атамасини чуқур талқин қилиш;

- «ваколат – ваколат» тамойилини аниқлаш;

- арбитраж битимининг асосий шартномадан ажратилишини аниқлаш;

- процесснинг моҳиятига тааллуқли қонунни аниқлашда томонларнинг имкониятларини ошириш.

12. Халқаро арбитражнинг жозибадорлиги қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқлиги аниқланди:

-томонлар тегишли арбитрларни, шунингдек низо кўриб чиқиладиган жойни танлаш имкониятига эга;

-арбитрларнинг бетарафлиги;

-томонларнинг ўзлари томонидан арбитраж жараёни тартибини белгилаш ва арбитраж судининг якунийлиги;

-арбитраж муҳокамасининг махфийлиги, шунингдек низонинг ҳал этилиши маълум бир соҳада ихтисослашган адвокатларга берилиши;

-қарорнинг якунийлиги ва уни турли давлатлар ҳудудида тан олиниши ва ижро этилиши имконияти.

13. Юридик адабиётлар таҳлили асосида маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, махсус суд ишларини юритиш, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ишларини арбитраж суди доирасидан чиқариб ташлаш кераклиги тўғрисидаги ёндашув илгари сурилди.

14. Аралаш (оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ элементларини бирлаштирган) низоларни, шунингдек халқаро арбитражда бир давлат хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш қуйидаги шартлар асосида ҳал этилиши мумкин:

- халқаро арбитражда муайян низонинг юрисдикциясини белгилайдиган томонлар ўртасида шартнома мавжудлиги;

- ушбу низони халқаро арбитражга юборишда қонуний таъқиқнинг йўқлиги;

- хусусий шартномалар тузиш ваколатининг мавжудлиги (шу жумладан, ишни халқаро арбитражга юбориш тўғрисидаги шартномалар).

15. Халқаро арбитраж судининг ваколатлари тўғрисидаги таклифлар «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида баён қилинган бўлиб, унда арбитраж суди низоларни давлатнинг процессуал қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Ваколатли суд барча арбитраж муҳокамалари тугагунига қадар мутлақ ваколатларга эга. Ваколатли суд тарафларнинг ёки арбитраж судининг илтимосига биноан арбитраж муҳокамаси бошланишидан олдин ёки иш юритиш пайтида мавжуд ёки мумкин бўлган ҳакамлик муҳокамасига нисбатан зарур, деб ҳисоблаган ҳолда вақтинчалик ёки доимий чоралар кўриши мумкин.

16. Арбитраж суди унинг юрисдикциясига нисбатан ҳар қандай эътирозларни қабул қилиши мумкинлиги, шу жумладан арбитраж шартномасининг мавжудлиги ёки амал қилиши ёхуд уни низо мавзусига киритиши мумкинлиги тўғрисида қонунчилик даражасида таклифлар ишлаб чиқилди. Арбитраж суди даввони дастлабки масала ёки моҳият бўйича якуний қарор қабул қилиб, ҳал қилади. Агар арбитраж суди ўзининг ваколатлари доирасида дастлабки давво бўйича қарор қабул қилса, томонлар суддан қарор тўғрисида хабарнома олгандан кейин ўн беш кун ичида ишни ҳал қилишни талаб қилиши мумкин. Шундан сўнг, суд ўттиз кун ичида судга сўров юборади ва унинг қарорига нисбатан шикоят қилинмайди, агар бундай ариза кўриб чиқиладиган бўлса, арбитраж суди тарафнинг илтимосига биноан арбитраж муҳокамасини давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар кучга киради.

17. Ваколатли судга халқаро арбитраж юрисдикциясига қарши давво аризаси ва уни тезкор кўриб чиқиш тартибини белгилаш зарурлиги исботланди.

18. Халқаро арбитраж судининг ваколоти низонинг моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги чораларни кўришга асосланган:

а) иш учун муҳим бўлган ва низони ҳал қилиш учун муҳим бўлиши мумкин бўлган далилларни сақлаш тўғрисидаги буйруқ;

б) низо предмети бўлган товарларни сақлаш учун зарур чораларни кўриш, масалан, учинчи шахсга товарларни сақлаш ёки зарар етказилиши мумкин бўлган товарларни сотиш тўғрисидаги буйруқ;

в) қарорни бажариш учун зарур бўлиши мумкин бўлган активлар ва маблағларни сақлаш;

г) ҳал қилинмаган низонинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш ёки тиклаш;

д) арбитраж судига зарар етказиши мумкин ёки етказмаслиги мумкин бўлган ҳаракатларнинг олдини олиш ёки бекор қилиш чораларини кўриш тўғрисида буйруқ.

19. Бугунги кундаги пандемия ҳолатларидан келиб чиқиб, бугунги кунда онлайн арбитраж муаммолари ўрганилди ҳамда ЮНСИТРАЛнинг низоларни онлайн тарзда ҳал қилиш бўйича техник йўриқномаси (2017 йил) таҳлил

қилиниб, мазкур йўриқномани миллий амалиётда қўллаш, шунингдек трансчегаравий низоларни ҳал қилишга хизмат қиладиган онлайн арбитраж қоидаларини миллий қонунчиликда акс эттириш, унга қадар эса «Онлайн арбитраж тўғрисидаги низом»ни ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқлиги асослантирилди. Шунингдек, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 50 ва 51-моддаларини «Онлайн арбитраж қарорларининг ижроси» тушунчаси билан тўлдириш таклиф этилди.

Ушбу ҳолат арбитражда низоларни фақат онлайн кўриб чиқиш ва юритиш ҳамда онлайн қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асоси сифатида тан олиниб, онлайн қарорлар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

20. Низоларни электрон ҳал этишда рақамли арбитраж масаласи ва унинг юрисдикцияси таҳлил қилиниб, бунда рақамли арбитраж сунъий интеллект асосида ишни кўриб чиқиши ҳамда асосан интернет тармоғида ҳамда смарт контрактлар асосида вужудга келувчи низоларни ҳал этишда самарали механизмга айланиши мумкинлиги кўрсатиб берилди ҳамда рақамли арбитраж юрисдикцияси тегишли сервернинг жойлашган жой қонуни ёки тегишли доменни рўйхатдан ўтган жой қонунига бўйсунуши тўғрисида махсус коллизия нормалар киритилиши таклифи ишлаб чиқилди.

Шунингдек, рақамли арбитраж мавжуд арбитраж марказлари томонидан жорий этилиши ва уларнинг юрисдикциясига бўйсунуши идеал ҳолат эканлиги ҳамда унинг қарорлари арбитраж маркази томонидан расмийлаштирилиши унинг ижросини таъминлашга хизмат қилиши тўғрисида хулосага келинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, онлайн ва рақамли арбитраж қоидаларини миллий қонунчиликда акс эттириш, шунингдек ЮНСИТРАЛ намунавий қонунига ҳамда Нью-Йорк конвенциясига ҳам тегишли ўзгартириш киритилиши зарурати асослаб берилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасида халқаро арбитраж фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширади, миллий даражада ҳуқуқ устуворлиги ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллариға мурожаат қилишнинг таъминланганлигига, шунингдек мамлакат инвестициявий иқлими жозибадорлиги ошишиға хизмат қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL ON AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 AT THE TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

BAKHRAMOVA MOKHINUR BAKHRAMOVNA

**REGULATION AND PRACTICAL PROBLEMS OF JURISDICTION OF
THE ARBITRAL TRIBUNAL (BASED ON UNCITRAL MODEL LAW)**

12.00.03 – Civil law. Business Law.
Family Law. International Private Law.

ABSTRACT
of doctoral (Doctor of Philosophy) dissertation on legal sciences

Tashkent – 2021

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) is registered by the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number № B2020.4.PhD/Yu423.

The doctoral dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (summary)) on the website of website of Scientific council (www.tsul.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:	Rustambekov Islambek Rustambekovich Doctor of Science in Law, Professor
Official opponents:	Ahmedov Azizkhon Dilshodovich Doctor of Science in Law Jumaniyazov Nodir Khudaiberdievich Doctor of Philosophy (PhD) in Law
The leading organization:	Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan University of World Economy and Diplomacy

The defense of the dissertation will be held on May 19, 2021 at 10:00 at the session of the Scientific Council under the Scientific Council DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 at the Tashkent State University of Law. (Address: 100047, Sayilgokh street, 35 Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; fax: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information-Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No. 961), (Address 100047, Amir Temur street, 35. Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36).

Abstract of the dissertation submitted on 30 April, 2021.

(Registry protocol № 2 of 30 April, 2021).

S.S. Gulyamov
Vice-Chairman of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, professor

D.Y. Khabibullayev
Scientific Secretary of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, professor

N.F. Imomov
Vice-Chairman of Scientific Seminar under Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The actuality and relevance of the dissertation theme. Across the globe, the development of international trade relations and investment activities has led to the emergence of disputes that require resolution. Currently, the most relevant and quickly developing way of resolving such disputes is international commercial arbitration. International arbitration has become a favoured system for resolving disputes among many business partners in virtually every area of global trade, markets and investments. According to the Statistics and Arbitration Centers, in 2020, 946 cases in the International Court of Arbitration of the International Chamber of Commerce (ICC, Paris), 152 cases in the Arbitration Institute of the Stockholm Chamber of Commerce (SCC, Stockholm), 1080 cases in the Singapore International Arbitration Center (SIAC, Singapore) , The London International Court of Arbitration (LCIA, London) received 444 cases¹. These indicators demonstrate the importance of paying special attention to the effective regulation of international arbitration activities in the world.

Particular attention is paid to the benefits of international arbitration in the world; in particular, the wide introduction of information technology in this area, as international arbitration allows the parties to resolve disputes confidentiality, speed, arbitrary and impartial arbitration and enforcement of decisions worldwide. Particular attention is paid to the need to clearly define its jurisdiction in international arbitration, including the definition of the right to resolve the dispute, the abolition of the dispute in international arbitration or the recognition and enforcement of its decision.

